




ОЛМАЛИК — ИНДУСТРИЯ ГИГАНТИ



Кончилар, металлургиялар, кимёгарлар шахри — Олмалик жамоли йил сайин очилиб, кўрмага-кўрк қўшилиб борапти. Суратда: шаҳарнинг марказий Ленин кўчаси.

БУТУН ДУНЕ ПРОЛЕТАРЛАРИ, БИРЛАШИНГИЗИ!

Рангли металлургиямиз фахри — Олмалик порлоқ истиқбол сари дадил одим ташлаб бормоқда. Яқин келажакда у ерда қудратли химия индустрияси ҳам яратилади. Газетамизнинг бугунги сони В. И. Ленин юбилейини муносиб кутиб олиш учун курашаётган навқирон шаҳар меҳнаткашларининг ғайрат ва жасоратига бағишланади.

ТОШКЕНТ ХАКИКАТИ

ЎЗБЕКИСТОН КОММУНИСТИК ПАРТИЯСИ ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ КОМИТЕТИ
ВА МЕХНАТКАШЛАР ДЕПУТАТЛАРИ ОБЛАСТЬ СОВЕТИНИНГ ОРГАНИ

№ 28 (4019).

Шанба, 8 февраль 1969 йил.

Баҳоси 2 тийин.

НУРЛИ ИСТИҚБОЛ

Олмалик шаҳар саноат корхоналари, қурилиш ва транспорт ташкилотлари коллективлари В. И. Ленин туғилган куннинг 100 йиллигини муносиб кутиб олиш мақсадида ўз зиммаларига 1969 йил учун юксак социалистик мажбуриятлар олиб зўр ғайрат билан меҳнат қилмоқдалар.

Саноатчилар ишлаб чиқариш қувватлари ва асосий фондлардан унумли фойдаланиш, барча жараёнларни интенсивлаш йўли билан маҳсулот реализацияси йиллик планини барвақт адо этиш ва қўшимча 1.400 минг сўмлик товар маҳсулоти ишлаб чиқариш учун курашмоқдалар. Йил давомида иқтисодий самарадорлиқни ошириш, янги техника ва технологияни жорий этиш йўли билан пландан ташқари 470 минг сўмлик фойда кўрилади, меҳнат унумдорлиги белгиланган кўрсаткичдан 1,6 процент юқори кўтарилади.

Тежамкорлик учун бошланган юрш бу йил барча участкалар бўйлаб кенг давом эттирилмоқда. Кам

деганда 12,3 минг киловатт-соат электр энергияси, 2,4 минг тонна шартли ёқилғи, 130 тонна қора металл, 90 тонна цемент, 60 тонна асбест, 15 тонна эмаль иқтисод қилинади. Рационализаторлик ва иxtи-рочилик таклифларини ишлаб чиқаришга жорий этиш туфайли 1230 минг сўмлик шартли фойда олинади. Меҳнатни илмий асосда ташкил этишнинг 380 минг сўмлик иқтисодий самара берадиган 50 та плани амалга оширилади.

Саноатчилар бу йил маҳсулот ишлаб чиқаришнинг бир қатор прогрессив технологиясини ҳам ўзлаштириб борадилар. Жумладан, мис заводида кислород ёрдамида эритма олиш, мис катанкаси ишлаб чиқариш технологиялари йўлга қўйилади. Электротитл цехи лойиҳадаги қувватга эришади, кўрғошин-руҳ фабрикасининг селекция цехи дастлабки маҳсулотларни бера бошлайди.

Беш йилликнинг тўртинчи йили бинокорлар зиммасига ғоятда шарафли ва масъулиятли вазифа юк-

лаган. Қурувчилар ҳозир тез суръатлар билан қад кўтараятган аммофос заводининг 800 минг тонна маҳсулот ишлаб чиқариш қувватига эга бўлган биринчи навбатини тўртинчи кварталда тўла фойдаланишга топширишлари лозим. Рух заводи қувватлари ҳам декабрь ойида қўлдан чиқиши керак.

«Алмаликсинвестстрой» трести ва бошқа ёрдамчи қурилиш ташкилотлари коллективлари планлаштирилган барча саноат ва маданий-маиший объектлар қурилишини ўз вақтида тавомлаш учун курашмоқдалар. Пландан ташқари ҳар бири 536 ва 964 ўринли бўлган икки мактаб, 350 ўринли ётоқхона, шифоналар қурилади. Уй-жой қурилишида поток усули кенг жорий этилиб, 25 декабрдан трест кучи билан 35 минг квадрат метр турар-жой фойдаланишга топширилади. Барча участкаларда қурилиш таннарихи планда кўрсатилганидан ўртача 0,5 процентга арзонлашади.

Бинокор рационализатор ва иxtи-рочилар ҳам бу йил юксак маррани

кўзлашган. Улар бир қатор янгиликларни ишлаб чиқаришга жорий этиш йўли билан 418 минг сўмлик бинокорлик материалларини тежаб қолишга ҳаракат қилмоқдалар.

В. И. Ленин туғилган куннинг 100 йиллигини муносиб кутиб олиш учун мусобақалашаятганлар сафида шаҳар транспортчилари ҳам бор. Транспорт ташкилотлари коллективлари юк ташиш планини 25 декабрдаёқ адо этиб, йил охиригача 310 минг тонна хўжалик юклари ҳамда 250 минг тонна тоғ жинсларини ташиб бериш мажбуриятини олдилар. Пассажирларга хизмат кўрсатиш янада яхшиланади.

Олмалик меҳнаткашлари зиммага олинган ана шу юксак мажбуриятларга яраша ишламоқдалар. Барча участка ва цехларда, корхона ва қурилишларда йиллик топшириқни муддатидан олдин адо этиш ва дохй юбилейини ёруғ юз билан кутиб олиш учун кураш кетяпти. Дастлабки муваффақиятлар йиллик программанинг муваффақиятли бажарилишидан дарак бермоқда.



Ўртоқ Арвид Янович ПЕЛЬШЕГА

КПСС Марказий Комитети ва СССР Министрлар Совети Сизни, Коммунистик партия ва Совет давлатининг атоқли арбобини етмиш ёшга тўлган кунингизда қизгин табриқлайдилар.

Қадрли дўстимиз ва ўртоғимиз Арвид Янович, сизнинг узоқ умр кўришингизни, сиҳат-саломат бўлишингизни ва совет халқи бахт-саодати учун, мамлакатимизда коммунизм тантанаси учун янада самарали меҳнат қилишингизни тилаймиз.

КПСС МАРКАЗИЙ
КОМИТЕТИ

СССР МИНИСТРЛАР
СОВЕТИ


СССР ОЛИЙ СОВЕТИ ПРЕЗИДИУМИНИНГ
ФАРМОНИ

ЎРТОҚ А. Я. ПЕЛЬШЕГА СОЦИАЛИСТИК
МЕХНАТ ҚАҲРАМОНИ УНВОНИ БЕРИШ
ТУҒРИСИДА

Коммунистик партия ва Совет давлати олдидаги натта хизматлари учун ва туғилган кунига етмиш йил тўлиши муносабати билан КПСС Марказий Комитети Сийсий Бюросининг аъзоси, КПСС Марказий Комитети ҳузуридаги Партия контроли Комитетининг раиси Арвид Янович ПЕЛЬШЕГА Социалистик Меҳнат Қаҳрамони унвони берилсин, унга Ленин ордени билан бирга «Ўроқ ва Болға» олтин медали топширилсин.

СССР Олий Совети Президиумининг Раиси Н. ПОДГОРНИЙ
СССР Олий Совети Президиумининг Секретари
М. ГЕОРГАДЗЕ

Москва, Кремль
1969 йил 6 февраль.



Мамлакат-Олмаликқа,
Олмалик-мамлакатга

ЎН ЮЛДУЗНИНГ БИРИ



Ҳар тонг ишга келганимда девордаги осиллиқ харитага бир назар ташлаб қўяман. Шаҳримнинг номи бор унда. Энди Олмалиқнинг бутун жаҳон танийди. Утирамизда, ўйлайман, Улуғ Октябрь социалистик революция-

сига қадар Қурама этакларида биргина кўҳна Тошкентни шаҳар деб тилга олишарди. Инди-лоб шарофати билан мана энди Олмалик республиканинг энг номдор шаҳарларидан бири бўлиб қолди.

Қувонаман. Советлар замонида асрий Қурама этакларида олам юзини кўрган Олмаликдек навиқрон шаҳарлар яна кўз олдимга келмади. Бекобод метали билан, Чирчиқ минерал ўғити ва қудратли машиналари билан, Ангрен эса «қора олтин» билан машҳур бўлиб кетди. Янгибод, Янгийўл, Пискент, Оҳангарон ва Газалкент ҳам камол топди. Улар Қурама юлдузлари. Олмалик шу ўн юлдузнинг бири сифатида ёрқин нур сочиб турибди.

Олмалиқнинг тарихи олди-олис йилларга бориб тақалади. Тепаликларда ҳозир ҳам сақланиб қолган кўҳна қалъалар куп воқеаларга гувоҳлик беради. Одамлар ўша замонларда ҳам Олмалиқнинг жаҳоирларига тўла бир сандиқ эканлигини билганлар. Қушлари етганча металл қазиб, хунармандчилик қилганлар. Қабилалараро бу бойликлар учун кўп қон ҳам тўкилган. Лекин Қурама тоғ тизмалари бағридаги сирли ҳазина барибир одамларга бутунисича ўз қалитини бермади. Ўрта Осиё Россияга қўшилгандан кейингига тош остидаги бойликларни секин-аста ўзлаштириш иммони яратилди.

Биринчи бўлиб Қурама тоғ тизмаларининг жануби-ғарбий қисми ҳисобланган Қорамозор сирлари ўрганила бошланди. 1875—1878 йилларда йирик рус геолог И. В. Мушкетов ҳарбий экспедицияси составида бу ерларда бўлди.

Рус саноатчиларида табиий бойликка қизиқиш 1900 йилларда айниқса кучайди. Улар қазилмаларни қазиб олиш йўллариин зўр бериб йзладилар. Аммо йўл ва техниканинг йўқ-

лиги, энергетика системасининг камқувватлиги туфайли бу ҳаракат бора-бора сўнди.

Фақат Улуғ Октябрь социалистик революциядан кейинги даврдагина қудратли техника мададорлигида совет кишилари ер қаърига қўл соқдилар. Ҳазина қаҳрамон халқ қўлига ўз қалитини топширди. Қорамозор ёнабгирларни — Олтинтопган, Қалмоққир, Қонсой, Қонмасур Совет Иттифоқининг энг йирик мис, руҳ, кўрғошин рудалари қонига айланиб қолди.

Дастлабки кубометр кўрғошин-руҳ рудаси 1949 йилда қазиб олинган. Ўша вақтлар бир томонда руда қазиб олинган, иккинчи томонда эса кон-металлургия комбинатининг дастлабки корхоналари қад кўтарар эди. Қисқа муддат ичида кўрғошин-руҳ бойитиш фабрикаси қуриб битказилди ва концентратлар тайёрлашга киришилди. Кетма-кет мис бойитиш фабрикаси, мис эритиш заводи фойдаланишга топширилди. Бора-бора Олмалик кончилар, металлургиялар, бинокорлар ва кимёгарлар шахрига айланиб қолди.

Ўтган қисқа давр ичида Олмалик дев қадамлар билан юксалди. Шаҳар ташкил этилган 1951 йилда аҳолисининг сони 10 минг кишидан ошмасди. Ҳозир эса 102 минг киши истиқомат қилапти. (Оҳангарон аҳолиси ҳам шу ҳисобда).

Шаҳар ҳусни-жамолини оғинида Меҳнат Қизил Байроқ ордени «Алмаликсинвестстрой» трести бинокорлари алоҳида хизмат кўрсатмоқдалар. Ўғинида кўримсиз бўлган олдий қишлоқни замонавий индустриал шаҳарга айлантирганлар. Қурама этакларида республика рангли металлургия саноати марказини яратганлар мана шу трестнинг қўли гул бинокорлари бўлади.

Биргина уй-жой қурилиши ҳамми билан сизни таништирмайман. 1952 йилда шаҳар бўйича 16,1 минг квадрат метр турар-жой яратилган эди. Беш йилликнинг учинчи йилида трест бинокорлари уй-жой майдони қуриш планини 107 процент адо этдилар. Салкам 43 минг квадрат метр турар жой-майдон фойдаланишга топширилди. Ҳозир шаҳар 740 минг квадрат метрлик уй-жой фондига эга. Ўртача ҳар бир олмаликликка 7 квадрат метрдан ортиқроқ турар-жой майдони тўғри келяпти.


(Давоми 2-бетда).

КПСС МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИ ВА СССР МИНИСТРЛАР СОВЕТИНИНГ ҚАРОРИГА БИНОАН ОЛМАЛИКДА ЙИЛИГА БИР НЕЧА ЮЗ МИНГ ТОННА ЮҚОРИ СИФАТЛИ КОНЦЕНТРАТЛАШГАН УЎГИТ ИШЛАБ ЧИҚАРАДИГАН ҚУДРАТЛИ ХИМИЯ

ЗАВОДИ ҚУРИЛИШИ БОШЛАНДИ... ЎЗБЕКИСТОН ХИМИЯ ИНДУСТРИЯСИНING БУ ЯНГИ ГИГАНТИНИ ИШГА ТУШИРИШ НАТИЖАСИДА ПАХТАЧИЛИКНИНГ ФОСФОРЛИ УЎГИТЛАРГА БЎЛГАН ЭҲТИЈИ АНЧА ТЎЛА ҚОНДИРИЛАДИ.

(Ўзбекистон КП Марказий Комитети ва Ўзбекистон ССР Министрлар Совети қароридан).

Навқирон шаҳар Олмалик



ШАҲАР ШУҲРАТИДАН ЛАВҲАЛАР

● Кон-металлургия комбинатини асосий хом ашё билан таъминлаб турган Қалмоққир ва Қўрғош конларида руда очкич усулда қазиб олинди. Бу усул ёпиқ усулдан нисбатан 7-9 баробар унумли бўлиб, 2,25 марта арзон тушади.

● Олмалик — кончилар, металлургия, бинокорлар шаҳри. Шаҳарда йил сайин саноатнинг янги-янги тармоқлари ташкил топмоқда. Иттифоқда энг йирик аммофос заводининг фойдаланишга топширилиши билан Олмалик кимёгарлар шаҳрига ҳам айланиб қолади.

● Саноат корхоналарида мавжуд қувватлардан унумли фойдаланиш эвазига маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажми йил сайин кенгайиб бормоқда. 1968 йилда 1967 йилдагига нисбатан 25 процент кўп маҳсулот реализация қилинди. Биргина мебель фабрикаси ўтган йили 5 миллион 34 минг сўмлик маҳсулот тайёрлади.

● Шаҳар тобора кенгайиб борапти. 1952 йилда 16,1 минг квадрат метр турар-жой майдони қурилган бўлса, ўтган йили фойдаланишга топширилган уй-жойлар майдони салкам 43 минг квадрат метрни ташкил этди.

● Олмалик юксак маданият шаҳрига айланиб бормоқда. Шаҳардаги Тошкент политехника институтининг филиалида, кон-металлургия ва қурилиш техникумларида 1600 дан ортиқ студент таълим олмақда. 22 та кундузги ва 5 та кечки ишчи-ёшлар мактабларида 24 минг киши ўқимокда.

● Шаҳарда 800 ўринли металлургия саройи, 4 та клуб, 15 та кутубхона, 14 та кинотеатр ва кинокурма ишлаб турибди. 40 та болалар богча ва яслида металлургия ва кончилар, бинокорлар ва зиёлиларнинг 7 минг 60 фарзанди тарбия қўрипти.

● Беш йилликнинг ўтган уч йили давомида шаҳарда 31,7 километрик газ ва 20 километрик водопровод тармоқлари ётқизилди. Ҳозир 100 процент аҳоли водопровод суви билан таъминланган.

● Қўчаларда троллейбуслар қатнаётган Ўзбекистон шаҳарларининг учинчиси Олмаликдир.



ОЛМАЛИК химия заводи қурилиш жадал суръатлар билан олиб бориляпти. Ҳозир кўпгина участкаларда монтаж ишлари бошланган. Мажиди монтанжчи Сой Виктор ҳам барча ҳаммаслари қатори кўнига кўйлаб конструкцияларни пайвандаб, смена топшириқларини муваффақиятлар адо этмоқда.



З. ТАРЗИМАНОВ химия заводи қурилишга биринчилар қатори келган эди. Ҳозирги кунда у экстракция цехини монтажда иштирок этмоқда. Тажрибали монтанжчи В. И. Ленин туғилган куннинг 100 йиллиги шарафига шарафат башланган муносабатга кўншилиб, ойлани топшириқларини муттасил ортиги билан адо этиб келипти.

ХИМИЯ НОНИ

РУХ заводининг олтингурут кислотаси ишлаб чиқарувчи участкаси коллективи январь ойи топшириқини корхонада биринчи бўлиб адо этди. Ойлик планга қўшимча равишда бир неча ўн тона «химия нони» тайёрланди.

Участканинг инок коллективи В. И. Ленин туғилган куннинг 100 йиллиги шарафига меҳнат вахтасида туриб ишлаб йиллик топшириқини узғичи билан 15 декабрдан адо этишга бел боғлаган. Шу кунга меҳнат юксак маъмуриятга яраша бўляпти. Д. Голубенкова, Г. Аверова, Г. Гудова каби моҳир ишчилар смена топшириқларини 1,5-2 ҳиссадан адо этиб кўпчиликлари намуна кўрсатмоқдалар.

Корхонанинг бошқа участкалари аъзолари ҳам олтингурут кислотаси ишлаб чиқарувчиларга тенглашмоқда.

ОЛМАЛИК ХИМИЯ ЗАВОДИ ҚУРИЛИШИНING 1969 ЙИЛДА МУВАФФАҚИЯТЛИ ТУГАЛЛАНИШИ, КПСС МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИ ОКТЯБРЬ ПЛЕНУМИ ҚАРОРЛАРИНИ ҲАЕТГА ТАТБИҚ ЭТИШНИНГ КОНКРЕТ ИФОДАСИ ВА ВЛАДИМИР ИЛЬИЧ ЛЕНИННИНГ ТУҒИЛГАНИГА 100 ЙИЛ ТУЛГАН КУНГА МУНОСИБ СОВҒА БУЛАДИ.

(Ўзбекистон КП Марказий Комитети ва Ўзбекистон ССР Министрлар Совети қароридан).

М. ПАВЛЮКОВА,

В. И. Ленин номидаги кон-металлургия комбинати планлаштириш бўлимининг бошлиғи.

ЎН ЮЛДУЗНИНГ БИРИ

(Боши 1-бетда).



Трест бошқармалари маълум вазифаларни бажаришга ихтисослашган. 1-бошқарма бинокорлари уй-жой, маданий маъиший объектлар қуриш билан шуғулланишса, қолган тўртта бошқарма саноат корхоналари, қўшимча қувватларни ишга тушириш билан банд.

Шаҳримизда йил сайин янгидан-янги саноат корхоналари бунёд этилмоқда. Бу йил Иттифоқ аҳамиятига эга бўлган аммофос заводи фойдаланишга топширилади. Ҳозир бинокорлар бу объект қурилишини жадал суръатлар билан олиб бормоқдалар. Рух, маъиший химия заводлари, кон-металлургия комбинатининг қўшимча қувватлари қурилиши ҳам муваффақиятли давом этапти.

Шу кеча-кўнунда шаҳримизда 20 дан ортиқ саноат корхонаси ишлаб турибди. Завод ва фабрикалар йил сайин замонавий машиналар ва асбоб-ускуналар билан тўлароқ қурулганмоқда. Пировадиди саноатда қўл меҳнати энгиллашиб, маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажми кенгаймоқда.

1952 йилга нисбатан 1967 йилда маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажми ўн икки мартадан зиёд ошган эди. 1968 йилда эса 1967 йилдагига нисбатан 25 процент кўп маҳсулот реализация қилинди. Бу рақамлар «Олмалик» маркази бошқарма маҳсулотларида жойларда талабнинг қанчалик ошиб бораётганини ёқини ифода қилиб турибди.

Шу кунгача нимакин яратилган бўлса, барчаси шаҳар партия ташкилотининг раҳбарлигида, коммунистлар етакчилигида барча меҳнаткашларнинг кўрсатган ғайрат ва шижоати тўғрисида қўл киритилди. Ҳалол меҳнат оқибати келтирди. СССР Олий Совети Президиумининг 1963 йил 12 январь Фармонида буюрилган шаҳар қурилиш ортидаги муваффақиятлари учун «Алмаликсинестрой» трестини Меҳнат Қизил Байроқ ордени билан таъдирланди. 306 киши ҳукумат ордени ва медаллари билан мукофотланди. Тўрт киши Социалистик Меҳнат Қўрғонини унвонига сазовор бўлди.

Кейинги йилларда ҳам ҳаммаҳарларимиз меҳнати партия ва ҳукуматимиз томонидан муносиб қадрланди. 1968 йили В. И. Ленин номи кон-металлургия комбинати олий мукофоти — Ленин ордени билан таъдирланди.

Эндиланда Олмаликин бекорга «Қаҳрамонлар шаҳри» деб аташмайди. Ҳамшаҳарларимиздан ўн уч кишининг кўсини Олтин Юлдуз беазиб турибди. Қаҳрамонлар орасида Қалмоққир конида узон йиллар экскаватор машинисти бўлиб ишлаган меҳнат ветерани В. Западненко, «Сантехмонтаж» бошқармаси бригад бошлиғи Н. Зверев, электромонтажлар бригадаси бошлиғи М. Саидов, 1-қурилиш бошқармаси бинокори Н. Дудина, Қалмоққир кони пармаловчиси Қ. Сапаров, кон-металлур

гия комбинати флотатори Н. Воспитаникова, 3-қурилиш бошқармаси бригада бошлиғи Н. Ғозиқулов ва бошқа ўртоқлар бор. Улар шаҳар иқтисодини юксалтиришда, ёшларни меҳнатга коммунистлик муносабат руҳида тарбиялашда уларнинг муносиб ҳиссаларини қўшмоқдалар.

Тарих — юксалишнинг кўзгуси, деб бежиз айтишмайди. Шаҳар статистика бошқармасида сақланаётган ахборотлар тараққиётнинг йилларда шаҳардаги мавжуд иқтисодий мактабда 300 ўқувчи таълим олади. Ҳозир эса 22 та кундузги мактабнинг ўқиди 21 минг 148 ўқувчи. Ҳар бири томонидан таълим олинмоқда. Кечки бешта мактабда эса 2950 ёш металлургия ва бинокор ишлаб чиқаришдан ажралмаган ҳолда ўз билимини оширмоқда. Булардан ташқари, мактаб-интернатлар, 40 та болалар богча-ясилари ҳам кончилар, металлургия, бинокорлар, зиёлилар фарзандларини ўз бағрига олган. Богча ва ясилларда 7060 бола тарбияланоқда. 216 тарбиячи ва 165 медицина ҳамшираси улар бошида парвонадир.

Мактабларни таъминлаб олий ва ўрта махсус ўқув юртиларига кириб ўқиниш истаганлар учун ҳам шаҳримизда тўла имкониятлар бор. Тошкент политехника институтининг филиали, кон-металлургия, қурилиш техникумлари ошмакларига барча ўқув очик. Ҳозир бу ўқув юртиларидан 1800 дан ортиқ йилгиз ва севган мутахассиснинг бўйича билим олмақда.

Иқтисодий меҳнат ва ўқиниш сўғ дам олиш, ҳордиқ чиқариш қанчаллик ташкил. 800 ўринли металлургия саройи, 5 та шаҳар маданият уйи, 3 та клуб, 15 та кутубхона, 14 та кинотеатр ва кинокурма, бир қатор кўнгличар жойлар олмалиқликлар иқтиёрида, 4 та халқ университети, ўнлаб ҳаваскорлик тўғараклари ишлаб турибди.

Жавоҳирлар ўлкаси Олмалиқнинг истиқболли янада порлоқ. Шаҳар қудратини ошириш, янада гуллаб-яшнаши йўлида бор имкониятлар сафарбар этилмоқда. Ўзбекистон ССР Министрлар Совети томонидан таъдирланган бошқарма асосида шаҳарнинг биринчи навбат қурилиш яқин йиллар ичида таъминланади ва аҳолининг сонин 180 минг кишига етказилади. Иккинчи навбат қурилиш давомида Оҳангарон билан Олмалик территорияси бир бутун ансамблини ташкил этади.

КПСС XXIII съезди қарорларини тўла амалга ошириш йўлида тер тўкиб меҳнат қилган олмалиқликлар бундан бундан ҳам ишлаб чиқариш қувватларидан янада унумлироқ фойдаланишга, маҳсулот тайёрлаш технологиясини тақомиллаштириш сифатини яхшилашга, меҳнатини илмий асосда ташкил этиб, тадбирлар самарадорлигини оширишга ҳаракат қила берадилар. Доҳиймиз В. И. Ленин туғилган куннинг юз йиллик юбилейини улкан меҳнат зафарлари билан кўтиб олиш бўйича бошланган социалистик муносабат тобора кенг қулоқ ёйдиравеяра.

А. ҚОРАЖОНОВ,

Олмалик шаҳар ижроия комитети раисининг ўринбосари.

ЛЕНИНДЕК ИШЛАЙМИЗ, ЯШАЙМИЗ

ШАҲРИМИЗДА ишлаб турган 4 та халқ университети ёнига бошқармачи ҳам келиб қўйилди. Бир неча ҳафтадир, Ленин билан яшаймиш университетини маҳсулотларини бошлади.

В. И. Ленин туғилган кунининг 100 йиллиги бағишланган лекция ва суҳбатлар сессияси ошди. Доҳиймиз илмий ва кўнгличар меросини кенг тарғиб этиш мақсадида бу университетни ташкил этди. Бундан ташқари, сессия биланларини омма оғига чуқурроқ сингдириш йўлида бир неча бор тематик конференциялар ҳам ўтказилди. «Лениннома» деб номланган кечаларимиз кишиларда катта қизиқиш уйғотмоқда.

Доҳий юбилейини нишонлаш беш йилликнинг сўнгги йилига гўрри келаятганини ҳисобга олиб, суҳбатлар орасида шаҳримиз меҳнаткашлари қўлга кийраётган муваффақиятлар алоҳида таъкидланаяпти, барчанинг

эътибори бажарилиши лозим бўлган вазифаларга қаратилган. Бу ўринда қуриляётган аммофос заводида ташкил этилган махсус лекториймиз ишчи нолатидир.

Ўтган йили жамият аъзолари омма орасида мингдан ортиқ лекция ва суҳбатлар ўтказилди. В. Усов, Л. Давридан, Г. Иванов, Р. Попов каби «Билим» жамияти аъзолари лекция пропагандаларининг жонли ва таъсирчан бўлиши устида кўп жон куйдиришмоқдалар. Улар бу йил ҳам В. И. Ленин назами меросини кенг тарғиб этишда ва бу мероснинг коммунист жамият қурилишидаги аҳамиятини оммага тушунтиришда ибрат кўрсатиб ишламоқдалар.

В. КЛИМАЧЕВ,

«Билим» жамияти Олмалик шаҳар ташкилотининг раисининг ўринбосари.



«АЛМАЛИКСВИНЕЦ ТРОЙ» трестининг 1-бошқармаси бинокорлари қўлидан чиқётган кўркам турар-жойларда олмалиқликлар айраб истиқомат қилмоқдалар. Бошқарма аҳли шу қуиларда 5-микрорайон қурилишини жадал суръатлар билан олиб бормоқда. Суратларда (чапда): бошқарманинг пешқадам бинокорларидан Нина Баршеникова ва Ира Денискина ўртоқлар. Ўғда эса, 5-микрорайонда қад кўтарган турар-жойларни қўриб турибди.

